

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2025 йил март ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, шу суднинг раиси Ж.Ахмедовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Мадаминованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Гурлан туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Рахимова, жабрланувчининг қонуний вакили Р.Тангриев, жабрланувчи вакили З.Абдуллаева, жабрланувчилар С.Тангриева, У.Зарипов, З.Абдуллаева, фуқаровий даъвогар Ж.Худайбергенов, судланувчи А.Тангриев ва унинг химоячиси, адвокат И.Якубовнинг иштирокида, Тангриев Ахмед Атабаевичга оид 1-2206-2501/15-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Тангриев Ахмед Атабаевич, 1957 йил 01 октябрь куни Хива туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, пенсионер, Хива тумани, Пирнахос маҳалласи, Иродали кўчаси, 9-уйда яшайди, 2024 йил 13 декабрь кунидан “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили, жабрланувчи вакили, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Тангриев Ахмед Атабаевич 2024 йил 10 ноябрь соат 12-00 ларда ўзига тегишли “Дамас” русумли 90 V 112 NA давлат рақам белгили автомашинасини тегишли ҳужжатлар билан Гурлан тумани, “Совунчи” маҳалласи ҳудудидан ўтган 4R160-сонли “Урганч-Гурлан-Манғит” автомобиль йўлининг 39-километрда ғарб томондан шарқ томонга қараб бошқариб бораётиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрель кунги 172-сонли «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг яъни “ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, манёвр қилиш ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги керак.” -деб баён қилинган 53-банди, “ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу



қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак.”-деб баён қилинган 77-бандиталабларини қўпол равишда бузиб, йўлни қарама-қарши ҳаракат йўналишига чиқиб, қарама-қарши ҳаракат йўналишидан ҳаракатланиб келаётган 2000 йил 15 апрель куни Гурлан туманида туғилган, Зарипов Умирбек Жавлонбек ўғлини бошқарувидаги яшил рангли “Тико” русумли 90 Н 930 КА давлат рақам белгили автомашинасини олди томони билан тўқнашиб, йўл транспорт воситаси ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган ва натижада “Дамас” русумли 90 V 112 НА давлат рақам белгили автомашинаси салоида бўлган Саидова Диларам Батировна олган тан жароҳатлари оқибатида шифохонада вафот этишига, Тангриева Садоқат Отабаевна ва Абдуллаева Зеваржон Нурлаевнани “ўртача оғир” тан жароҳати олишига, “Тико” русумли 90 Н 930 КА давлат рақам белгили автомашина ҳайдовчиси Зарипов Умирбек Жавлонбек ўғлини енгил тан жароҳати олишига, ушбу автомашина салоида бўлган Янгибоев Равшан Икрамбой ўғлини “оғир тан” жароҳати олишига, Ж.Худайбергановга тегишли “Тико” русумли 90 Н 930 КА давлат рақам белгили автомашинасига 18.676.000 сўм зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 ноябрь кунги 14-сонли хулосасига кўра, Д.Саидовада бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, кўкрак қафаси ёпиқ жароҳати, IX кўкрак умуртқаси майдаланиб синиши, ўнг ўпкани ва вена азугосни ёрилиш, ички қон кетишдан ва жароҳатдан кейинги шок, полиорган етишмовчилиги, чап билагги ва иккала сон суякларги ёпиқ синиб силжиши каби жароҳатлар аниқланганлиги, оғирлик даражаси бўйича “ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати” гуруҳига кириши;

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 18 ноябрь кунги 353-сонли хулосасига кўра, Р.Янгибоев қорин ёпиқ жароҳати, талоқ ёрилиши, гемоперитонеум, кўкрак қафаси ёпиқ жароҳати, кўкрак қафаси органлари шикастланиши, гемотаракс, бош мия лати, ўта оғир даражаси, юз суякларининг очик майдаланиб синиши, ўнг сон суяги ёпиқ синиб силжиши каби жароҳатлар аниқланганлиги, оғирлик даражаси бўйича “ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати” гуруҳига кириши;

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 05 декабрь кунги 353-сонли хулосасига кўра, С.Тангриевада бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, чап қўл 2-кафт суяги асосидан синиб силжиши, чап елка бўғими ташқи юзаси юқори учлигида, чап сон ташқи юзаси ўрта учлигида қонталашлар каби жароҳатлар аниқланганлиги, оғирлик даражаси бўйича “ўрта оғир тан жароҳати” гуруҳига кириши;

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 20 ноябрь кунги 359-сонли хулосасига кўра, У.Зариповда бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, 12 кўкрак умуртқаси преоқцияси, юз соҳасида, ўнг кўз юқори қоқвоқ



соҳасида, чап тизза бўғими олд юзасида кўпчилик шилинмалар каби жароҳатлар аниқланганлиги, оғирлик даражаси бўйича 6 кундан ортиқ ва 21 кундан кам бўлган соғлигининг бузлиши билан боғлиқ бўлган енгил тан жароҳати гуруҳига кириши кўрсатилган.

Судланувчи А.Тангриев суд мажлисида айбловга иқдорлик билдириб, 2024 йил 10 ноябрь куни автомашинасида синглиси С.Тангриева, қариндошлари З.Абдуллаева ва акасини турмуш ўртоғи Д.Саидова бўлганлигини, ушбу йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган пайтида автомашинасини 60 километр тезликда бошқариб бораётганлигини, шу куни яшаш уйидан автомашинани бошқариб, тонги соат 02-30 ларда йўлга чиққанини, юқоридаги учта аёл кишини автомашинасига миндириб Хива, Қўшқўпир, Шовот, Гурлан, Манғит йўналиши бўйича ҳаракатланиб, Манғит деҳқон бозорига борганини, у ерда ўзлари етиштирган анор мевасини сотиб, яшаш уйларига қараб, соат 10-00ларда йўлга чиққанликларини, автомашинасини ҳаракат йўналишида кичик кесак бўлаги лойга ўхшаган ҳолда ётганини, ушбу лойни босиб ўтмаслик мақсадида қарама қарши ҳаракат йўналишига чиққанлигини, бу пайтда уни ҳаракат йўналишида ушбу кичик кесак (лойга ўхшаган)ни босиб ўтмасдан айланиб ўтиши мумкин бўлганини, нимагадир ушбу пайтда қарама қарши ҳаракат йўналишига ўтишни афзал кўрганлигини, шу пайтда қарама-қарши ҳаракат йўналишида автомашина бўлмаганини, лекин қаердандир “Тико” машинаси пайдо бўлиб, у билан тўқнашиб кетганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, Д.Саидованинг дафн маросими ва бошқа маракаларига ҳам моддий ёрдам бериб келганини, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакилини унга нисбатан даъвоси йўқлигини, уни кечирганлигини, жабрланувчиларга ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни қоплаб берганлигини, ўзига нисбатан енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчининг қонуний вакили Р.Тангриев судда, 2024 йил 10 ноябрь куни турмуш ўртоғи Д.Саидова укаси А.Тангриевни Дамас русумли автомашинасида қариндошлари Зеваржон, Садоқатлар билан бирга эрталаб Манғит туманига бозорга борганини, у ерга бориб оладиган нарсаларини олиб, сотадиган нарсаларини сотганидан сўнг укасини Дамас автомашинасида ортга қайтишганини, улар Гурлан-Манғит йўли билан ҳаракатланиб, Гурлан туманига кириб, Гурлан тумани марказига яқин қолишган пайтида укаси автомашинани бошқарувини йўқотганми қарама-қарши ҳаракат йўналишига ўтиб кетганини ва қарама-қарши ҳаракат йўналишидан ҳаракатланиб келаётган Тико автомашинасига тўқнашиб, йўл транспорт ҳодисасини юзага келтирганини, йўл транспорт ҳодисаси натижасида Тико автомашинасини ҳайдовчиси ва йўловчиси, Дамас русумли автомашина салоида бўлган йўловчилар турли кўринишда тан жароҳати олишганини, турмуш ўртоғи Дилором ушбу йўл транспорт ҳодисаси натижасида шифохонада олган муолажаларига қарамасдан оламдан ўтганини, жиноят иши бўйича турмуш ўртоғининг вакили ҳисобланишини, ушбу йўл транспорт ҳодисаси юзасидан укаси А.Тангриевга нисбатан ҳеч қандай даъво жанжали йўқлигини, унга қонун доирасида енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берди.



Фукаровий даъвогар Ж.Худайберганов судда, ўғли Зарипов Умирбек тегишли хужжатларга эга бўлган ҳолда уни номида бўлган “Тико” русумли 90 Н 930 КА давлат рақам белгили автомашинани бошқаришини, у 2024 йил 10 ноябрь куни соат тахминан 11-00ларда ушбу автомашинани бошқариб, Навоий массивига кетаётган пайтида уни ҳаракат йўналишига Дамас русумли автомашина чиқиб юбориши оқибатида йўл транспорт ҳодисаси юзага келганини, шунинг оқибатида ўғлини автомашинасидаги ўртоғи ва Дамас русумли автомашина салонида бўлган ҳайдовчи ва йўловчилар турли кўринишда тан жароҳати олганини, Дамас автомашинасида бўлган аёл киши олган тан жароҳатлари оқибатида оламдан ўтганини, ушбу йўл транспорт ҳодисаси натижасида ўзига тегишли бўлган яшил рангдаги “Тико” русумли 90 Н 930 КА давлат рақам белгили автомашинага 18.676.000 сўм миқдорида моддий зарар етганини, ўғли билан гаплашиб кўрган пайтида ушбу йўл транспорт ҳодисасини юзага келтирган Дамас автомашинасини ҳайдовчиси А.Тангриев эканини айтганини, у ўғлини автомашинасини олдига чиқиб юборганини ва шуни оқибатида йўл транспорт ҳодисаси юзага келганини, ҳозирги кунда автомашинасига етказилган зарардан воз кечишини, унга нисбатан даъво жанжали йўқлигини билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи С.Тангриева судда, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида жойлашган “Манғит” деб номланган жойга анор ва бошқа мева маҳсулотларини сотиш учун қариндошлари билан бирга бориб келиб юрганлигини, 2024 йил 10 ноябрь куни соат тонги 03:00 ларда Д.Саидова, З.Абдуллаева ва “Дамас” русумли автомашинани эгаси А.Тангриев билан мева маҳсулотларини сотиш учун Хива туманидаги яшаш уйидан Амударё туманига қараб йўлга чиққанликларини, Амударё туманида жойлашган бозорда анор мева-маҳсулотларини соат 09:30 лар атрофида сотиб бўлгач уйга қайтиш учун бирга акаси А.Тангриев тегишли бўлган Дамас русумли автомашинага чиққанини, уйга қайтаётганларида ўзи ушбу автомашинанинг ҳайдовчиси А.Тангриев ўтирадиган ўриндиқнинг орқа қисмидаги ўриндиқда ўтирганини, Д.Саидова ҳайдовчи ўтирадиган ўриндиқни ёнидаги йўловчи ўтирадиган ўриндиқда ва З.Абдуллаев эса унинг ёнидаги ўриндиққа ўтирганини, тиши оғриганлиги сабабли, ушбу оғриқни қолдириш учун “Кюпен” дорисини ичиб, эгнида бўлган қора рангли қалин жемперини юз қисмига бостириб, шу ерда ухлаб қолганини, кейин кўзини очганида ўзига нотаниш бўлган шахс унга сув бераётганлигини кўриб, нима бўлганлигини тушунмаганлигини, кейинчалик билиши бўйича улар минган Дамас автомашинаси билан Тико русумли автомашина тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганини, ўзи эса ушбу ҳолат бўйича бирор-бир маълумотга эга эмаслигини, юқоридаги ҳолат юзасидан ҳеч кимга нисбатан даъво жанжали йўқлигини билдириб, кўрсатма берди.

Жабрланувчи У.Зарипов судда, таниши Равшанбек опаси Шохистанинг уйида қайта таъмирлаш ишларни олиб бораётганлиги сабабли 2024 йил 10 ноябрь куни соат 11:00 ларда отаси Жавлонбекнинг номида бўлган Тико русумли автомашинада Гурлан туманида жойлашган уйидан опаси Шохистанинг уйига қараб йўлга чиққанликларини, шундан кейин Гурлан



туман марказида жойлашган қурилиш-моллари дўконидан уйнинг қайта таъмирлашига зарур бўлган қурилиш молларини олиб, ушбу материалларни шу ерда юк ташувчи Москвич русумли автомашинага ортиб, ушбу автомашина ҳайдовчисига йўл кўрсатиш учун ўзининг бошқарувида бўлган Тико русумли автомашинасида таниши Равшан билан биргаликда йўлга чиққанликларини, шундан сўнг Навоий қишлоғига етмасдан ушбу ҳаракат йўлнинг ўзига тегишли бўлган йўналишида тезликда ҳаракатланиб келадиган машиналарга йўл берган ҳолда йўлнинг чекка қисмида соатига 60-65км/с тезлик билан ҳаракатланиб кетаётганида унга қарама-қарши йўналишда қандай автомашина эканлигини эслаб билмаганлиги сабабли аниқ айтиб билмаслигини, лекин унинг орқасида унга олдиндан нотаниш бўлган Дамас русумли автомашина ҳаракатланиб келаётганлигини кўрганини, шундан кейин ушбу автомашиналарга яқин қолганда бирданига Дамас русумли автомашина ҳайдовчиси ўзининг ҳаракат йўналишидан қарама-қарши йўналишга яъни унинг ҳаракат йўналишига чиқиб, тўғри у бошқариб бораётган Тико русумли автомашинага келиб урилганини, ушбу ҳолат бир зумда бўлганлиги сабабли бошқарув рулини бошқа тарафга олишга ҳам улгурмай қолганини, шундан кейин тўқнашув натижасида ҳушини йўқотганини, кўзини очганида унга нотаниш одамлар уни ва таниши Равшанбекни автомашинадан чиқариб олишиб, ёрдам бераётганликларини кўрганини, А.Тангриев даъво жанжали йўқлигини билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчининг вакили З.Абдуллаева судда кичик фарзанди Равшанбек Гурлан туманида уйларни қайта таъмирлаш ишлари билан шуғулланишини, 2024 йил 10 ноябрь куни эрталаб ўғли Равшанбек уйда бўлган вақтида таниши Умирбек иш борлигини айтиб, у билан бирга чиқиб кетишганини, кейин ўзининг ишларини қилиб юрганида аниқ вақтини эслаб билмаслигини, Умирбекнинг синглиси Шохидадан телефон кўнғироғи келганини, кўнғироққа жавоб берганида, "Равшанбеклар йўлда машинада авария бўлибди, шошилишч тиббиёт бўлимига келинг, Равшанбекнинг аҳволи жуда оғир" деб айтганини, шундан кейин тиббиёт бирлашмасига борганида ўғли Равшанбекнинг аҳволи оғирлигини ва операцияга олиб кириб кетишганини кўрганини, ўғли Равшанбекнинг соғлиги оғир аҳволдалигини, ушбу ҳолат юзасидан ким айбдор бўлса, ўғли оёққа туриб, соғайиб кетгунча дори-дармонлари ва операцияларга ёрдам бериб турса, ҳеч кимга даво жанжали йўқлигини, чунки оилада ўғли Равшанбек ягона боқувчи бўлганлиги сабабли ҳозирда ўғли Равшанбекни даволатгани пуллари етарли эмаслигини, ўғлини даволатишга сарфланган харажатларни чек қоғозларини терговга тақдим қилганини, 2024 йил 24 ноябрь куни ўғлини Тиббиёт бирлашмасидан уйда даволанишга рухсат берганлиги сабабли уйига олиб келганликларини, ўғли Равшанбекни даволаш учун кетган 14.287.058 сўмнинг 13.900.000 сўми судланувчи А.Тангриев томонидан қоплаб берилганини, қолган қисмини ҳам ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи З.Абдуллаева судда қариндошлари билан Амударё туманида жойлашган Манғит шаҳрида анор ва бошқа мева маҳсулотларини сотиш учун бориб, ўша ерда савдо-сотик билан шуғулланиб келаётганини,



2024 йил 10 ноябрь куни тонги соат 03:00 лар атрофида Д.Саидова, С.Тангриев ва Дамас автомашинасининг эгаси А.Тангриев билан анор мева маҳсулотларини сотиш учун Хива туманидаги уйидан Амударё туманига қараб йўлга чиққанликларини, шундан кейин Манғит шаҳрида жойлашган бозорда анор мева маҳсулотларини соат 09:30 лар атрофида сотиб бўлгач, уйга қайтиш учун бирга акаси А.Тангриевга тегишли бўлган Дамас русумли автомашинага чиққанини, уйга қайтаётганларида Дамас автомашинасида ҳайдовчининг ёнидаги йўловчи ўриндиғининг орқа томонидаги ўриндикка минганини, Гурлан туманига кириш жойига келганда, орадан бир дақиқа ўтмай туриб тўсатдан тўғрида унга олдиндан таниш бўлмаган “Тико” русумли автомашина келиб урилганини, бу ҳолат бир зумда бўлганлиги сабабли йўл-транспорт ҳодиса қандай бўлганлигини англашга улгурмай қолганини, ўзига келиб, кўзини очиб қараганида ўзи ва Д.Саидова автомашинадан чиқиб, ерда ётганликларини кўрганини, шу ерда уларга нотаниш бўлган одамлар ёрдам беришганини кўрганини, қайд этилган ҳолат бўйича ҳеч кимга нисбатан даъво жанжали йўқлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарнинг суд жараёнида берган кўрсатувлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ иш ҳолатларига мос келади деб ҳисоблайди ва суд жараёнида тарафлардан далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисида мурожаатлар қилинмаганлигини инобатга олиб, юқорида келтирилган далилларни, далилларни олиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўтказишга оид қоида ва тартибга риоя қилинган ҳолда олинганлиги ва улар иш ҳолатларига тўғри келганлиги учун уларни ҳақиқий деб, судланувчи А.Тангриевнинг жиноий ҳаракатларини баҳолашда етарли ва мақбул далил деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячи адвокатнинг фикрини, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, А.Тангриевнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг судда айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарнинг суддаги кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, суд-тиббий, судга оид баҳолаш экспертизаси хулосалари ва унга илова қилинган фотосуратлар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, ашёвий далили деб эътироф этилган хотира картасидаги видеотасвирлар ҳамда иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Тангриевнинг транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши натижасида одам ўлишига сабабчи бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил



12 апрелдаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 3-бандида, йўл ҳаракати қоидаларини билишлари, уларга амал қилишлари шартлиги, 4-бандида, йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмасликлари кераклиги, 53-бандида, Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, манёвр қилиш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги кераклиги, 64-бандида, Трамвай йўли, ажратувчи тасма, узлуксиз 1.1, 1.3 йўл чизиқлар ёки узук-узук томони чапда жойлашган 1.11 йўл чизиги билан ажратилган йўлларда қарама-қарши йўналишга чиқиш тақиқланиши, 77-бандида, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Суд, судланувчи А.Тангриевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори талабларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июнь кунги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 25-бандидаги “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қопланганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” – деб кўрсатилган тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи томонидан жиноят эҳтиётсизлик орқасидан содир этилганлигини, оилавий шароитини, муқаддам



судланмаганлигини, унинг пeсионерлигини, жабрланувчининг қонуний вакилининг даъвоси йўқлигини, eтказилган зарарлар қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ва содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги енгилроқ жазо, яъни озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, юқоридаги пленум қарорининг 26-бандидаги “судлар ЖК 260, 262, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга оид ишларни кўришда, судланувчига нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо чорасини қўллаш масаласини муҳокама қилишлари лозим. Мазкур масала шахс бундай ҳуқуққа эга, эгамаслигидан (масалан: шахс жиноят содир қилгунга қадар ёки тергов вақтида маъмурий тартибда ёки суд ҳукми билан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигидан) қатъий назар, муҳокама қилиниши шарт” – деб, раҳбарий тушунтириш берилганлигига амал қилиб, судланувчи А.Тангриев жиноятни транспорт воситасини бошқариш билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо тайинлашни лозим топди.

Жиноят натижасида жабрланувчининг қонуний вакили Р.Тангриев, жабрланувчилар С.Тангриева, У.Зарипов, З.Абдуллаева, фуқаровий даъвогар Ж.Худайбергановнинг eтказилган моддий зарардан воз кечганлиги ва уларни судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини инобатга олишни;

жабрланувчи вакили З.Абдуллаевага жинойий қилмиш натижасида eтказилган 14.287.058 сўм моддий зарарнинг 13.900.000 сўм қисми қопланганлигини инобатга олишни ва қопланмаган 387.058 сўм судланувчи А.Тангриевдан З.Абдуллаева фойдасига ундиришни;

тарафлар ва манфаатдор шахсларга eтказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъво келиб чиққан тақдирда фуқаролик суд иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 463, 465-468, 471 ва 473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУҚМ ҚИЛДИ:

Тангриев Ахмед Атабаевич Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Тангриевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб,



ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, уй-жойидан чиқишини бутунлай чеклаган ҳолда 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

А.Тангриевга озодликни чеклаш жазосини Хива тумани, Пирнахос маҳалласи, Иродали кўчаси, 9-уйда ўташ белгилансин, жазони ўташ даврида кўйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин:

– назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

– Хоразм вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

А.Тангриевга ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисми талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Жазони ижро қилиш Хива туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати ҳукм Хива туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳида ҳисобга олиниб ижрога қаратилган кундан бошлаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси эса ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи А.Тангриевга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят натижасида жабрланувчининг қонуний вакили Р.Тангриев, жабрланувчилар С.Тангриева, У.Зарипов, З.Абдуллаева, фуқаровий даъвогар Ж.Худайбергановнинг етказилган моддий зарардан воз кечганлиги ва уларни судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи вакили З.Абдуллаевага жинойий қилмиш натижасида етказилган 14.287.058 сўм моддий зарарнинг 13.900.000 сўм қисми қопланганлиги қайд этилсин ва қопланмаган 387.058 сўм судланувчи А.Тангриевдан З.Абдуллаева фойдасига ундирилсин.

Тарафлар ва манфаатдор шахслар ўзларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъво келиб чиққан тақдирда фуқаролик суд иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили, жабрланувчилар ва унинг вакили ҳукм нухасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида ушбу суд орқали Хоразм вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят, прокурор эса протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Ж.Ахмедов



Ҳужжат имзоланган: Аҳмедов Жасурбек Сапорбоевич, 07.04.2025

